

НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Эсанова Замира Нормуротовна,
юридик фанлар доктори,
«Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи» кафедраси профессори

Тошкент давлат юридик университети

Аннотация. Мақолада республикамиз қонун ҳужжатларида (моддий ва процессуал қонун нормаларида) мустаҳкамланган медиация институтини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиши, уни амалиётга жорий этишининг қулай механизмларини ишилаб чиқиши, медиаторларни тайёрлаши жараёни, низоларни ҳал қилишида медиатив келишиувга эришии амалиёти, суд ва ижро ишини юритиш амалиётида медиацияни қўллаш афзаликлари ҳамда бу борадаги миллий ва хорижий тажрибани қиёслаш, таҳмил натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган ҳамда уишибу тажриб-мулоҳазалар, хуносалар миллий ва хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти асосида қиёсий таҳмил қилинган. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошقا органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги қонунига ўзгартиши ва қўшимчалар тайёрлашида, бундан ташқари, фуқаролик процессуал ҳуқуқи; иқтисодий процессуал ҳуқуқи; ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича янги иммий тадқиқотлар олиб боршида фойдаланилади.

Таянч тушунчалар: суд, медиация, оиласиб медиация, медиатор, медиатив келишиув, медиация муҳокамаси, медиация принциплари.

ПРИОРИТЕТНЫЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ В РЕШЕНИИ СПОРОВ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Эсанова Замира Нормуротовна,
доктор юридических наук,
профессор кафедры «Гражданское процессуальное и
экономическое процессуальное право»

Ташкентский государственный юридический университет

Аннотация. В статье даны предложения и рекомендации по результатам анализа вопросов широкой пропаганды среди населения закрепленного в законодательстве (материальных и процессуальных нормах закона) Республики Узбекистан института медиации, разработки эффективных механизмов его внедрения в практику, процесса подготовки медиаторов, практики достижения медиативного соглашения при разрешении споров, положительных сторон применения медиации в практике судебного и исполнительного производства. Эти предложения и выводы были проанализированы на основе отечественных и зарубежных опыта и практики. Результаты исследования могут быть использованы при подготовке изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О медиации», Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан, Закон Республики Узбекистан «Об исполнении судебных актов и актов иных органов», кроме того, при проведении новых научных исследований по специальности гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право; арбитражный процесс и медиация.

Ключевые слова: суд, медиация, семейная медиация, медиатор, медиативное соглашение, медиативное разбирательство, принципы медиации.

PRIORITY ASPECTS OF APPLICATION OF THE INSTITUTE OF MEDIATION IN RESOLVING DISPUTES: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

Esanova Zamira Normurotovna,

Doctor of Law, Professor of the Department of Civil Procedure and Economic Procedure Law

Tashkent State University of Law

Annotation. The article provides recommendations on the results of the analysis of the problems of promoting the Institute of Mediation, enshrined in national legislation (substantive and procedural law) of the Republic of Uzbekistan, among the population; the development of favorable mechanisms for applying health practice; the process of training mediators; the practice and benefits of mediation in resolving disputes. The suggestions and recommendations were made on the basis of the study of domestic and foreign scientific and practical experience. The research results can be used in preparation the amendments and additions to the Law of the Republic of Uzbekistan «On Mediation», the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan «On the Enforcement of Decisions of Courts and Other Bodies», conducting new scientific researches on specialization Civil Procedural Law; Economic Procedural Law; Arbitration and Mediation.

Keywords: court, mediation, family mediation, mediator, mediation agreement, discussion of mediation, principles of mediation.

Кириш

Ҳозирда жаҳон миқёсида низоларни ҳал қилишда медиация институтининг ўрни тоборакенгайиб бормоқда. Ҳусусан, республикамиз қонунчилик амалиётида Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан медиаторларни тайёрлаш, медиация хизматини ташкил этиш, келиб чиқаётган низоларни медиатив келишув асосида ҳал қилиш, суд ва бошқа органлар амалиётида медиация тартиб-таомилларидан фойдаланишни жорий этиш, медиацияни судга қадар, суд жараёнида, шунингдек суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлашда қўллаш, бундан ташқари бу борада янги илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги илмий ишланмалар тайёрлаш ва уларни кенг ахолига етказиш, фуқароларни медиация институтининг афзалларидан хабардор этиш мавзунинг долзарбилигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни ҳал қилишда медиация хизматидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот назарий, илмий ва эмпирик асосларни ўз ичига олиб, унда тарихийлик, анализ

ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳдил усуларидан фойдаланилган.

Адабиётлар шархи

Жаҳонда кейинги йилларда (охирги 15 йилликда) низоларни ҳал қилиш ва бартарраф этишда медиация институтининг ўрни, аҳамияти ва ҳуқуқий тартибга солиш доираси долзарб аҳамият касб этиб, тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида дунё миқёсида деярли барча давлатлар (ривожланган ва ривожлананаётган), шу жумладан МДХга аъзо давлатларда медиация соҳасини тартибга солувчи маҳсус қонунлар (хусусан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) қабул қилинаётганлиги ҳамда соҳа ривожига ҳисса кўшаётган кўплаб илмий тадқиқотларни келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотларда асосан медиация институтининг барча ҳуқуқ соҳаларида (фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, жиноят ишларида) жорий этиш ва самарали натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилган ва илмий асосланган хуносалар келтирилган.

Масалан, Н.С. Шатихинанинг «Институт медиации в российском уголовном праве» (2004, 12.00.08) асарида жиноят ишлари юритувида ҳам медиация муносабатлари уч томон-

лама бўлиши, хусусан, медиация субъектлари жабрланувчи, айбланувчи ва давлат номидан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар саналиши айтиб ўтилган. Бунда медиациянинг шакллари сифатида чин дилдан пушаймон бўлиш, жабрланувчи билан ярашувга эришиш институтлари самара беради, деб тадқиқ қилинган [1].

А.А. Арутюняннинг «Медиация в уголовном процессе» (2012, 12.00.09) илмий тадқиқотида жиноят-хуқуқий низоларни ҳал қилишда медиация процедурасини қўллаш халқаро стандарт ва принципларга тўғри келиши лозимлиги ва унда қўйидаги хусусиятлар мавжудлиги кўрсатилган: медиацияни қўллашда томонларнинг ихтиёрий розилиги асосида йўл қўйиш; томонлар исталган вақтда медиация процедурасида қатнашишдан воз кечиши; медиация натижасида томонлар ўртасида ярашувга эришилмаса, иш юритувда бу ҳолат айни тан олиш деб ҳисобланмаслиги; медиацияда томонлар ишнинг энг асосий ҳолатлари бўйича келишиши; медиация натижасида эришиладиган келишувда фақат оқилона шартлар ифодаланиши; медиация процедурасини ўтказишида зарурий ҳуқуқий кафолатлар таъминланиши; медиация процедураси конфиденциал характерга эга бўлиши; медиацияни қўллаш ва келишувга эришиш айланувчини такроран жиной таъкиб қилишга олиб келмаслиги таъкидланган [2].

М.О. Владимирова «Мировое соглашение в системе гражданско-правового регулирования» (2014, 12.00.03) номли тадқиқотида «...ярашув таомили бўлган медиациянинг келишув таомили (процедураси)дан фарқли жиҳатлари таҳдил қилиниб, унинг фикрича, медиация – ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули ҳам эмас, суд процедураси ҳам эмас, ушбу процедурда ваколат ва бўйсуниш муносабатлари бўлмайди [3].

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам медиация институтини қўллаш ва уни кенг тарғиб қилиш мақсадида қатор илмий ишланмалар тайёрланган ва, ҳаттоқи, 2010 йилда юриспруденция

йўналишида янги 12.00.04 – фуқаролик процессуал ҳуқуқи; хўжалик¹ процессуал ҳуқуқи; ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги вужудга келди. Мисол учун, Ш.М. Масадиковнинг илмий тадқиқотида «Медиация бу – низоларни холис, манфаатдор бўлмаган учинчи шахс, яъни муайян келишувга эришишга ёрдам берадиган медиатор иштироқида ҳал этишнинг муқобил шакларидан бири бўлиб, масала (муаммо)ни ечишда ўзаро манфаатли натижага йўналтиришга таянади. Медиатор эса томонлар бир-бирининг нуқтаи назари ҳамда қарашларини тушунишига қўмаклашади, муаммонинг самарали ечимини излайди», дейилади [4].

Асосий қисм

Медиаторларни тайёрлашнинг миллий амалиёти. Республикаизда медиация институти ҳали вужудга келганига кўп вақт бўлмаса-да, аммо ёш институт сифатида ўтган муддат давомида тан олинди, бу борада миллий қонун қабул қилинди [5], медиаторларни тайёрлашнинг замонавий усуллари ва дастурлари ишлаб чиқилди ва ушбу жараён яна давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни [5] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ медиаторларни тайёрлаш дастури² тасдиқланди.

Медиаторларни тайёрлаш дастури [6] бўйича маҳсус ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилди.

Айни пайтда судларда тарафларни келишириш, мажбурий ижро жараёнига медиация институтини жорий этиш, ишларни тинч процессуал воситалар билан ҳал қилишнинг мақсади ҳам аслида тинчлик, холислик, тезкорлик, самарадорлик ва келиштириш принципи

¹ Изоҳ: Ўзбекистонда янги таҳрирдаги Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилиниши билан айрим жойларда “хўжалик” сўзи “иқтисодий” сўзи билан алмаштирилди (З.Э.).

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мҳ-сон буйргугига асосан тасдиқланган ва 3134-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ларини амалда қўллашга қаратилган. Ҳозирги замон фуқаролик ва бошқа судлар фаолиятининг асосий тенденцияси ҳам юқоридаги мақсадларни кўзлади.

Аксарият юридик адабиётларда ҳам келтирилишича [7-9], низоли масалалар (муаммолар)ни ҳал қилишда тарафларни муросага келтириш (яраштирув) натижалари келишув битими, медиатив келишув, даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши каби процессуал ҳаракатларда кўринади. Масала (муаммо)нинг бундай ҳал қилиниши суд қарори (ажрими) ижросини таъминлашда деярли қийинчилик туғдирмайди, ижрони мажбурий таъминлаш чораларини қўллашга ҳожат қолмайди.

Назарий ва амалий мулоҳазалар. Шу кунга қадар фуқаролик ишлари бўйича республика судлари амалиётида низоларни ҳал қилишнинг келишув битимидан фойдаланиш амалиёти қўлланилган. Статистик маълумотлар таҳдилига кўра [10], 2014 йилда 4665 та, 2015 йилда 7764 та, 2017 йилда 543 та, 2018 йилда 1120 та келишув битими тузилганлиги муносабати билан судларда иш юритиш тугатилган.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, амалдаги 17-боб «Яраштириш тартиб-таомиллари» деб номланиб, унда келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиш асослари ва тартиби кўрсатилди.

Илмий тадқиқотларда [7, 11] **медиация** – бу низолашувчи тарафлар ўртасида низоларни мустақил, холис (бетараф) бўлган учинчи шахслар (медиаторлар) томонидан иккала тарафга ҳам ўзаро фойдали ҳал қилиш (ўзаро мақбул қарорга келиш) усули эканлиги таъкидланган.

Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилганидек, **медиация** – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули.

Илмий ишланмаларда [12, 13] ҳамда Қонунда [5] медиациянинг қўйидаги, хусусан **суддан ташқари (внесудебная)**, судга қадар (досудебная), суддаги (судебная), суддан кейинги (послесудебная) турлари мавжудлиги кўрсатилган.

Медиацияга ўз-ўзидан мурожаат қилиб бўлмайди, «Медиация тўғрисида»ги қонунда уни қўллаш шартлари мавжуд бўлиб, унга мувофиқ:

Биринчидан, медиация тарафларнинг хоҳишистаги асосида қўлланилади;

Иккинчидан, медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибда кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, медиация низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Тўртинчидан, медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 марта «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4236-сон қарорида [14] ҳам:

- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади;

- томонлар ўртасида ижро предметига доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш муддатининг тугаши ижро иши юритишни қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланади. Бунда, медиация тартиб-таомилини такроран амалга оширишга йўл қўйилмайди;

- томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда, давлат ижрочиси ижро иши юритишни тугатади;

- медиация тартиб-таомилини амалга

ошириш жараёнига давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланади.

Тадқиқот натижалари

Тошкент шаҳар Мажбурий ижро бюросининг Миробод, Яшнобод туман бўлимларининг 2018–2019 йил материалларининг таҳлиллари натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда мажбурий ижро бюроси фаолиятида аксарият ундирилаётган алиментга оид ишлар бўйича тарафлар (қарздор ваundiрувчи) аризасига кўра, алиментга оид ижро ишини юритиш тугатилмоқда. Энг асосийси, тараф (эр-хотин)ларнинг оилавий муносабатлари тикланиб, даврий тўловларга, оилавий низоларга чек қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланиши ҳақида шундай дейилган: «Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чогида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади». Ижродаги медиация давлат ижрочиси фаолиятини алмаштиrmайди, балки қўшимча имконият саналади. Аммо ижро амалиётида суд қарорларини ижро этиш жараёнида тарафлар ўз муддаоларини асосан давлат ижрочисига айта олади, аммо уларни масала ва муаммоларини ҳал қилиш ваколати (давлат ижрочисига берилган ваколатлар бундан мустасно) давлат ижрочисига берилмаган. Масалан,³ алимент тўлаётган ота: «мен оиласми тиклайман, болаларим билан яшайман», уй-жойининг маълум қисмини бузиш ҳақида суд қарори чиқарилган қарздор: «қўшним билан келишдик, қўшнимга бошқа тарафдан кириш-чиқиш имконияти яратилади», суд қарори билан алимент тўлаётган ота: «хотиним билан келишдик, катта фарзандимни ўз қарамогимга олдим, хотинимда чиқик ўғлим қолди, алимент миқдорини камайтиришим ёки ҳар иккаламиз қарамогимизда

болалар борлиги учун алимент тўлашдан озод бўлишим керак», мазмунидаги оғзаки мурожаат (ёзма ариза)лар келиб тушмоқда. Шундай ҳолларда давлат ижрочиси уларга судга мурожаат қилиши ва ёки қонун ҳужжатларида медиация тартиб-таомиллари борлигини, улардан фойдаланиш мумкинигини (истаса-истамаса) тушунтиради.

Бу борада хориж амалиёти нима дейди? Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Финляндия) қонунчилиги ва амалиётида медиатив келишувнинг икки босқичи мавжуд, яъни консилиатор (ингл. «conciliator») ва медиатор (лот. «mediare»)⁴. Аммо консилиатор медиатор эмас, фақат ишни ҳал қилиш бўйича муайян маслаҳат (йўналиш)лар беради. Медиатор эса тарафлар билан юзма-юз қўришиб, сұхбат, тренинглар ўтказади, масала (муаммо)ни ҳал қилишга кўмаклашади. Масаланинг моҳияти шундаки, давлат ижрочиларига «консилиатор» бўла олиш мақоми ва ваколатини бериш таклиф этилади. Шунда уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қонуний кафолатлаган бўлардик.

Айтиш мумкинки, республикамиз миллий қонун ҳужжатларида ва амалиётда [15] низоларни ҳал қилишнинг самарали усул ва воситалари, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи қатор органларнинг ваколатлари мавжуд. Шу билан бирга, ҳакамлик судлари, нотариат, ФХДЁ, адвокатура, ҳокимият органлари, маҳалла кенгашлари ва йигинлари, «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва бошқаларни келтириш мумкин. Аммо медиатор қай даражада ва қанча миқдорда низоларни тугата олади, тарафларни муросага келтира олади, унинг устуналиги ва афзалликлари нимада кўринади?

Бу борада Европа давлатлари (АҚШ, Буюк Британия)да оилавий медиация йўналиши низоларни ҳал қилишда, тарафларни келиширишда муҳим натижаларга эришаётганлигини кўрсатмоқда. Аммо бизнинг шарқ одат ва анъаналарида «оиласдан ташқарига чиқсан жанжаллар»ни оилавий медиация усуллари билан тузатиш имконияти бўлармикан? Албатта қийин кечиши табиий, суд ва мажбурий

³ 2018 йил давомида МИБнинг Тошкент шаҳар Яшнобод туман бўлимига фуқароларни қабул қилиш жараёнида билдирилган арз-шикоятлардан. Мурожаатларнинг махфийлигини таъминлаш мақсадида тарафларнинг ФИО келтирилмай, мурожаат мазмунни берилмоқда.

⁴ русча атамасида «миротворец», «примиритель», «мировой посредник», «предлагающий средний путь, нейтральный».

ижро бўлимиға келаётган мурожаатлардан медиация усуллари ҳам низоларни муайян миқдорда бўлса-да, тугатиши мумкин. Чунки оилавий муносабатлар билан боғлиқ низолар маълум вақт, ишонч, ҳурмат, характерлар ўзгарувчанлиги, руҳий омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Медиацияни қўллаш жараёнида қўйидаги принциплар амал қиласди: Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонунининг [16] 5-моддасида медиациянинг асосий принциплари кўрсатилган бўлиб, медиация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқалиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади. Ушбу тартибининг амалга ошириш механизмлари кучайган сари, мазкур принциплар ҳам келгусида такомиллашиб бораверади. Россия қонунчилигига [17] «вақтни тежаш» принципи ва яна бошқа давлатларда (Россия, Белоруссия, Молдавия) «процессуал тежамкорлик», «шаън ва қадр-қимматни ҳурмат қилиш», «ҳалоллик» принциплари берилган. Принциплар ичida энг диққатга сазоворлари «ихтиёрийлик», «маҳфийлик» принциплари оилавий низоларни ҳал қилишда муҳим атрибулардан бири саналади. Чунки **ихтиёрийлик принципи** мазмунида[5] медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади. Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишига ҳақди. Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади каби қоидалар мустаҳкамланган. Ихтиёрий медиаторни танлаш, ихтиёрий медиатордан воз кечиш; ихтиёрий медиация хизматидан воз кечиш⁵ медиациянига мурожаат қилишга шароит яратади, аммо такорий медиациянига рухсат этилмайди.

Маҳфийлик принципида [5] медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни

уларни тақдим этган медиация тарафи, унинг ҳуқуқий вориси ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақди эмас. Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Медиация тартиби тарафлар сирини сақлашга, ёпиқликни таъминлашга, муддаолар ташқарига чиқмаслигини таъминлашга кафолат беради.

Медиация хизмати (медиатор)нинг мустақил ва холис бўлиши медиациянинг ишончли кафолатларидан бири саналади ва бу тарафларнинг эркинлик, ишонч принципига имконият яратади.

Хорижий давлатлар (Голландия, Бельгия, Швеция, Молдова, Белоруссия ва бошқ.) қонунчилик амалиёти ва тажрибасида медиациянинг мажбурийлиги ва муайян ишлар бўйича чегараланганилиги, жумладан болани олиб бериш, бола билан учрашув белгилаш, ер участкасини бўлиш, етказилган зарарни ундириш ва бошқа ишларга татбиқ этилади. Мазкур давлатларда давлат ижроиси (суд пристави) йўналиш беради, судда эса мутахассис (психология, конфликтология бўйича) маслаҳат ва йўналишлар беради.

Ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австрия, Норвегия, Россия, Козогистон) қонунчилигини ўрганиш натижаларига кўра, медиациянига мурожаат қилиш процедурасини иккига ажратиш мумкин:

- **фаол форма (шакл)** – судьянинг ўзи медиаторга мурожаат қилиш ҳуқуқини тарафларга тушунтиради.

- **пассив форма (шакл)** – тарафларнинг ўзи буклетлар, маълумотлар, хабарлар, интернет-сайтлар орқали танишиб, тушуниб оладилар.

Хорижий тадқиқотларда [9, 18, 19, 20, 21] хорижий олимлар оилавий низоларни ҳал қилишда оилавий медиациянинг ролини зарурый босқич сифатида таърифлашади. Ҳар бир инсон бетоб бўлганда тиббий муолажа олгани каби, низо (ҳаттоқи айрим келишмовчилик) лар келиб чиқсанда медиация процедурасини

⁵Бу ерда «ихтиёрий медиатордан воз кечиш» ва «ихтиёрий медиация хизматидан воз кечиш»ни алоҳида талқин этиш тўғри бўлади.

олишга ҳақди. Масалан, 15 йил бирга яшаган оила ажрашиб кетиши арафасида, ўртада турли ёшдаги учта фарзандлари бор, эр-хотин бирга яшамасликка қарор қиласылар. Перу давлати қонунчилиги бўйича судда медиатор холосаси бўлмаса, суд масалани ҳал қиласай, медиатор тайинлайди. Медиатор эса камида олти ойга қадар тарафлар билан алоҳида-алоҳида, биргаликда, фарзандлари билан алоҳида ёки биргаликда жуда кўп процедуралар (процессуал-хукуқий, маънавий-тарбиявий, психологик муолажалар) ўтказади ва натижаси бўйича судга холоса беради.

Перу давлати қонунчилигида барча ишлар бўйича тарафлар медиация босқичини дастлабки босқич сифатида ўташи шарт.

Яна шуниси эътиборлики, айрим ривожланган давлатлар (АҚШ,⁸ Австрия, Буюк Британия, Финляндия) тажрибасида иккি турдаги медиаторлар: «ко-медиатор» ва «со-медиатор» фаолият юритади. Ко-медиаторда тиббиёт ходими: психолог, психотерапевт, со-медиаторда юрист, адвокат, нотариус иштирок этади. Улар алоҳида ёки биргаликда процедуралар ўтказишади.

Оилавий медиацияда никоҳ муносабатлари (тугалланиши ҳам мумкин бўлган жараён), ота-оналик муносабатлари (бир умр давом этувчи жараён) сифатида қаралади ва шунга биноан таъсирчан медиатив процедуралар ўтказилади⁹. Баъзи давлатларда ишнинг турига қараб, масалан Дания, Ирландия қонунчилигида оилавий ажримлар бўйича бепул маслаҳат олиб борилади. Медиация тартиб-таомиллари, хаттоки мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ҳам яхши самара берадиганлиги турли манбалар, телекўрсатувлар, радиоэшилтиришлар ва матбуот орқали ҳам кенг тарғиб қилинмоқда [22]. Таъкидланишича, бир ўқитувчи мисолида ўқитувчи (тажрибали, пенсия ёшида, физика ўқитувчиси) ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар педагогик бўйсунишни талаб этса, иккинчи ўқитувчи (ёш, иқтидорли, инглиз

тили ўқитувчиси, гурӯҳ мураббийси) ўзаро ишончга бўйсунишни талаб этади. Натижада ўқитувчи ва ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ота-оналар медиацияга мурожаат қиласылар.

Оилавий низоларни ҳал қилишда медиация процедурасини қўллаш борасида медиаторнинг роли қўйидагиларга қаратилади:

- низони вужудга келтирувчи бош сабабни топиш;
- тарафларнинг ўзини иш бўйича бир қарорга келтириш;
- тарафлар билан «уларнинг тилида» гаплашиш, ҳамфирқ бўла олиш;
- 2-4 соат мобайнида норасмий (дўстона, ишчи тартибда) суҳбатлар ўтказиш;
- оқибатни (исталган босқичда медиатордан ва медиация хизматидан воз кечиш) англаган ҳолда таваккалчиликка йўл қўйиш ва ишончни йўқотмаслик;
- тарафларга медиатив келишув оқибатларини тушунтириш ва б.

Медиация тартибининг **баҳсли жиҳати** шундаки, медиация процедураси учинчи шахсларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласиди, учинчи шахслар билан боғлиқ низоларга татбиқ этилмайди. Таҳдилларга кўра, аксарият низолар учинчи шахслар манфаати билан боғлиқ ёки чиқарилган суд қарори учинчи шахслар ҳукуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатади. Медиация жараёнида медиаторнинг ўзи учинчи шахс, холис шахс сифатида қатнашади.

Республикамизда эълон қилинган Президент қарори [14], амалга оширилаётган тадқиқотлар (миллий ва хорижий) [9, 19, 23, 24], бўлиб ўтган конференция [25] қарори ва эълон қилинаётган мақолаларда таъкидланишича [22], медиатор ижро ишини юритишида яқин кўмакчи эканлиги айтилмоқда. Масалан, МИБнинг Самарқанд шаҳар бўлимига Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 18 апрелдаги қарорига асосан [26] Самарқанд шаҳар Нодирабегим кўчаси 4-уй бузилаёт-

⁸ АҚШда 2001 йилда Uniform Mediation Act (Единый закон о медиации) қабул қилинган. Аммо қонунда айнан ижро жараёнида медиацияни қўллаш ҳақида алоҳида кўрсатма йўқ. Бироқ масъул ваколатли шахслар «медиатив ёндашув» доирасида ҳаракат қилишади.

⁹ Тадқиқотларда «брачные отношения» ва «родительские отношения» тушунчалари берилган.

ганлиги сабабли мазкур хонадонда яшовчи қарздорларнинг яшаб турган жойларига тенг қимматли миқдорда бошқа турар жойни мулк қилиб топшириш вазифаси қўйилган. Фаол қаршилик сабабли ҳамда тарафларнинг узлуксиз равишда юқори судлов инстанцияларига мурожаат қилиши оқибатида ижро ҳаракатлари бир неча марта бошқа кунга қолдирилган. Қарздорлар М.Г., С.Э., С.Глар ундирувчи «ТСТ» МЧЖ томонидан бузилаётган уй-жойлар ўрнига қурилаётган янги уй-жойлардан уй бериш ёки олдинги уйдан каттароқ кенглиқдаги уй бериш таклифини рад этиб, ўрнига янада кўпрогини талаб этишган. Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида медиатор А.И. тарафларни ўзаро келишитириб, масалани ҳал қилишга эришган ва шу асосга кўра ижро иши тутатилган.

Худоса ва тавсиялар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида» ги қонуни қабул қилинганлиги ва кучга кирганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва бошқа соҳавий қонунларга медиатив келишув йўли билан ишларни ҳал қилиш ва тугатиш институти киритилиши, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тарафларга ҳар томонлама кўмак бериш (юридик, психологик ва б.), улар ўртасидаги ижобий оилавий муносабатларни тиклаш, эр-хотин (ота-она) ва болалар ўртасидаги мулкий ва номулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган маслаҳатлар бериш ва натижада судсиз тартибдатинч йўл билан ҳал қилишчораларини кўриш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш мақсадида **медиатив келишувни** никоҳни тугатиш, оталикни белгилаш, эр-хотиннинг мол-мulkини бўлиш, болалар тарбияси билан боғлиқ барча низолар, шунингдек алимент ундириш тўғрисидаги низолар бўйича амалга ошириш самарали натижада беради. Кўпгина хорижий давлатлар (АҚШ, Россия, Финляндия, Австрия, Нидерландия, Дания, Ирландия, Норвегия ва б.) қонунчилиги ва амалиётида татбиқ этиб келаётганлиги ҳамда ўзини оқлаётганлиги асос бўлмоқда. Шу муносабат билан **Ўзбекистон Республикасининг Оила**

кодексининг 11-моддаси [27] учинчи қисм билан тўлдирилиши таклиф этилади¹⁰: «Ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида кўрсатилган низоларни ҳал қилишда медиация тартиб-таомилларини қўллаш мумкин» .

2. Ижро ишларини юритиш амалиётида давлат ижроиси тарафлар (қарздор ва ундирувчи)га судга мурожаат қилиши ва ёки қонун ҳужжатларида медиация тартиб-таомиллари борлиги, улардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётида медиатив келишитирувнинг икки босқичи: яъни «консилиатор» ва «медиатор» тушунчалари мавжудлигини инобатга олган ҳолда ҳамда консилиатор фақат ишни ҳал қилиш бўйича муайян маслаҳат (йўналиш)лар бера олишини инобатга олиб, давлат ижроиси тарафларни қонунчилиги ва амалиётида медиатив келишитирувнинг икки босқичи: яъни «консилиатор» бўла олиш мақоми ва ваколатини бериш таклиф этилади. Шунда уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қонуний кафолатланган бўлардик.

3. Судга мурожаат қилувчиларга қулайлик яратиш, кам таъминланган, моддий жиҳатдан қийналган аҳоли (хусусан тарафлар)нинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бундан ташқари ўзини оқлаётган баъзи хорижий давлатлар (Нидерландия, Иркутск ва б.) тажрибаси амалиётини ўрганиш натижалари асосида оилавий низоларни ҳал қилишда медиация муҳокамасини ўтказишида тарафларга бепул медиация хизматини амалга оширишда имтиёзлар (медиатив келишув тўловларидан озод этиш) яратилиши таклиф этилади.

4. Медиация тартиб-таомилларини кенг тарғиб этиш, қолаверса, хорижий давлатлар амалиётида ўзини оқлаган институт эканлигини эътироф этган ҳолда ҳамда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усусларидан фойдаланиши кенг йўлга қўйиш, шунингдек суд ва бошқа органлар юкламаларини ўзаро мувофиқлаштириш (соддалаштириш) мақсадида Ўзбекистонда юриспруденцияга ихтинослашган олий ўқув юртларида талабалар (магистрлар)га «Медиация», «Конфликтология» ўқув модулларини ўқитиш ижобий самара беради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 11-моддаси (Оилавий ҳукуқларни ҳимоя қилиш) икки қисмдан иборат.

Манба ва адабиётлар

1. Шатихина Н.С. Институт медиации в российском уголовном праве. (2004,12.00.08).
2. Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе. (2012, 12.00.09).
3. Владимирова М.О. Медиативное соглашение в системе гражданско-правового регулирования. (2014, 12.00.03).
4. Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2008. – 26 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўгрисида»ги қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон.
6. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2019 йил 4 февраль, 5-сон, 93-модда.
7. Лукьянчикова Е.Ф., Верещагина Е.А. Применение процедуры медиации в исполнительном производстве// Международный научный журнал «Инновационная наука». – 2016. – № 2.
8. Медиация в сфере исполнительного производства или на вооружении новые методы работы [Электронный ресурс] // Федеральная служба судебных приставов России [Офиц. сайт]. URL: <http://fssprf.ru/news/133210-mediatsiya-v-sfere-ispolnitelnogo.html>
9. Федоров П.Р., Бобылева А. П. Медиация в сфере исполнительного производства [Текст] Право: современные тенденции: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). – Краснодар: Новация, 2017. – С. 128-131. – URL <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11769/>
10. Республика судлари амалиётини умумлаштириши натижаларидан (2014–2018 ийлардаги статистик маълумотлар).
11. Калаиникова С.И. Медиация в сфере гражданской юрисдикции. Дис.... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2010.
12. Крайнова А.И., Гинзбург И.В. Применение медиации в гражданском процессе// Мир науки и образования. 2018. №1 (13).
13. Руднева Ю.В., Ванюшина А.Д., Ларионова Т.А. Медиация как альтернативный способ в гражданском процессе// International Journal of Humanities and Natural Sciences. – Самара. – Vol. 5-2. – С. 119-123.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартағи «Суд ҳужжатлари ва боиқа органлар ҳужжатларини ижро этиши самарадорлигини янада ошириши чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПҚ-4236-сон қарори.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўгрисида»ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон).
16. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўгрисида»ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.
17. Федеральный закон РФ «Об альтернативной процедуре урегулирования споров с участием посредника (процедуре медиации)» от 27 июля 2010 года № 193-ФЗ.
18. Плахов А.В. Обзор законодательства Швеции о медиации // Ресурсный центр Медиации [Электронный ресурс]. URL: http://mediators.ru/rus/about_mediation/foreign_law/sweden/text1.
19. Шашкина Е. А. Применение института медиации в области семейного права // Молодой ученый. – 2017. – № 2. – С. 345-349. – URL <https://moluch.ru/archive/136/38206/>
20. Загайнова С. К. Современные проблемы и перспективы развития практической медиации в России //Развитие медиации в России: теория, практика, образование. – М.: Инфотропик Медиа. 2012. – С. 17.
21. Институт медиации в зарубежных странах и его применение в сфере исполнительного производства // Филипов В.В. Использование процедуры медиации в сфере исполнительного производства в зарубежных странах, применение данного института в России: за и против. moluch.ru/conf/law/archive/225/11769
22. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан бοғлиқ низоларни судда кўришининг процессуал ҳусусиятлари. – Тошкент, 2010. – 289 б.

23. Филипов В.В. Использование процедуры медиации в сфере исполнительного производства в зарубежных странах. Применение данного института в России: за и против // Практика исполнительного производства. – М.: 2014. – № 3. – С. 26–39.

24. Носырева Е.И. Медиация в исполнительном производстве // Принудительное исполнение актов судов и иных органов в отношении юридических лиц (организаций и предпринимателей). Проблемные аспекты: Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – 4-8 июня 2012 г. – Воронеж. – М.: Статут, 2013. – С. 156-159.

25. 2019 йил 22 майдада ТДЮУда Грант тадқиқотлари доирасида «Ижро иши юритиш соҳасини янада тақомиллаштириши масалалари: назария ва амалиёт уйгунилиги» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилган.

26. Сулаймонов Д. Медиатор: ижро иши юритишда яқин кўмакчи// Ҳуқуқ газетаси, – 2019. 2 май. – № 18 (1163) – Б. 3.

27. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018. – <https://lex.uz/docs/104720>

Тақризчи:

Усмонова М.А., юридик фанлар доктори, кафедра профессори,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти.